



## ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ УЛУГВОР МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 5 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Самарқанд халқаро аэропортида Қатар Амирини Ўзбекистон Президенти кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Давлат раҳбарлари шохсупага кўтарилдилар.

Қатар Амирига халқимизга хос юксак меҳмондўстлик кўрсатилди. Бой миллий маданият ва санъатимиз намуналари намойиш этилди. Куй-қўшиқлар ижро этилди.

Шундан сўнг Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев хамроҳлигида қадим ва бетакрор Самарқанд шаҳрининг улугвор меъморий обидаларини кўздан кечирдилар.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейини бориб кўрди. Маълумки, Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Урта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг “Зижи жадиди Қурагоний” асари бутун дунёда, хусусан, араб оламида фалақийёт бўйича илмий манба сифатида машҳур бўлган.

Танишув чоғида темурийлар даврида илм-фан, маданият ва бунёдкорлик юксак даражада ривожлангани, бу юртимиздаги Иккинчи Ренессансга асос бўлгани ёдга олинди. Бугун юртимизда ислом цивилизацияси, алломалар меросини ўрганиш бўйича марказлар ташкил этилгани таъкидланди.

Кейинги манзил “Афросиёб” музейи бўлди. Бу ердаги экспонат ва деворий суратлар Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Шундай суратлардан бирида Афросиёб ҳукмдорининг элчиларни қабул қилиш маросими акс этган. Бу ажодларимиз дипломатияга катта эътибор бергани, Шарқ ўлкалари билан азалдан ҳамкорлик яхши бўлганини кўрсатади.

Дунёга машҳур Регистон майдони — мамлакатимизнинг яна бир “ташриф қоғози”, ажодларимиз бунёдкорлик салоҳиятининг гузал ифодаси. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Олий мартабали меҳмонга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, нақш ва рамазларнинг мазмуни, майдонда амалга оширилган таъмирлаш ишлари ҳақида сўзлаб берилди. Қатар Амири мадрасаларни катта қизиқиш билан томоша қилди.

Сўнг давлат раҳбарлари Самарқанднинг Халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон ва Қатар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ушбу мамлакат раҳбари илк бор юртимизга давлат ташрифини амалга оширмакда. Бу кейинги йилларда давлатларимиз ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани натижасидир. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳрида Қатар давлатининг элчихонаси очилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 5 июнь куни қабул қилинган фармони билан Қатар фуқаролари учун визасиз тизим жорий этилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 июнь кунига режалаштирилган.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Бунда, энг аввало, фаол сиёсий мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш, энергетика, газ-кимё sanoати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътибор марказида бўлади.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қиладилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари**

### БИЗ ВА ДУНЁ

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА



Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 5 июнь куни Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Бу Қатар раҳбарининг Ўзбекистонга илк ташрифи, шу боис, ушбу саммит ҳақли равишда Ўзбекистон – Қатар муносабатларида тарихий босқичга айланади ва албатта, уларнинг янада ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

▶ Давоми 2-бетда

### ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲЕЧ БИР ФУҚАРОСИ ЎЗ МУАММОСИ БИЛАН ЁЛФИЗ ҚОЛМАЙДИ

Янги Ўзбекистон сўнгги олти йилда демократик ислохотларни изчил давом эттираётган давлат сифатида жаҳон миқёсида ижобий ўрни ва имижига эга бўлиб бормоқда. Жорий йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараён — янги тахирдаги Конституция лойиҳаси юзасидан ўтказилган умумхалқ референдумида халқимиз “Янги Ўзбекистон орзуси” учун овоз берди.

▶ Давоми 3-бетда



### ТААССУРОТ

## КУЧЛИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Финляндия тажрибасида қандай намоён бўлмоқда?

Ўқитиш тизимининг ҳақиқатда узлуксиз ишлашини таъминлашда қандай омиллар муҳим? Ўқитувчилар ва таълим олувчилар ўртасида юқори даражадаги ҳамкорликни қандай ўрнатса бўлади? Қандай қилиб педагоглар маҳоратини жамият ва халқ ишонадиган юқори даражага олиб чиқиш мумкин?

▶ Давоми 5-бетда



**2023** O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
**9-IYUL** PREZIDENTI SAYLOVI

**ПРЕЗИДЕНТЛИККА**  
**НОМЗОДЛАРНИНГ**

**САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ**  
**7 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ**

5 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда МСК аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари иштирок этди.

Мажлис кун тартибидан сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг

сайловолди ташвиқоти ва оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

▶ Давоми 2-бетда

# Қатар элчиси Ҳасан Ҳамза Ҳошим: ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ ВА ЯҚИН ҲАМКОРИМИЗ

Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг Ўзбекистонга давлат ташири арасида “Дунё” АА муҳбири ушбу мамлакатнинг юртимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ҳасан Ҳамза Ҳошим билан суҳбатлашди. Элчи интервью давомида Ўзбекистон — Қатар муносабатлари ривож ва бўлажак таширидан кутилаётган асосий мақсадлар ҳақида гапирди.

— Жорий йил Тошкентда Қатарнинг дипломатик ваколатхонаси очилгани билан бизни табриклардан мамнунмиз. Айтинг-чи, бундай қарорга нима сабаб бўлди, мамлакатингизда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш истиқболларига қандай муносабатда бўлишмоқда?



— Қатарнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилиши мамлакатларимиз раҳбарларнинг турли соҳалардаги икки томонлама муносабатларни мустақамлаш, икки дўст халқни янада яқинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар 1997 йилнинг ноябрь ойида Қатар Давлати ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида элчилар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида Қатар ҳам иштирок этмоқда. Ўзбекистон томони бу йўналишда Қатар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

— Сизнингча, халқларимиз диний эътиқоднинг муштараклиги, кўнча тарихи, бой маънавий-маданий мероси мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш ва кенгайтиришга қандай хизмат қилиши мумкин?

— Ҳа, Ўзбекистон бизнинг муҳим ва яқин ҳамкоримиз, мамлакатларимиз халқларини кўп асрлар давомида боғлаб келган тарихий-маданий алоқалар мавжуд бўлиб, улар бугун ўзаро манфаатли муносабатларимиз учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Икки давлатнинг ушбу соҳаларга эътибор қаратиши ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратди.

— Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Ҳазрати Олийларнинг Ўзбекистонга таширидан нималар кутяпсиз?

— Бошланган ташири икки давлат ўртасидаги муносабатларда олдинга ташланган қадамдир. Ташири давомида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ва ўзаро муҳим масалалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда янги имкониятлар очилган масалалари муҳокама қилинади.

— Бугун Ўзбекистонда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, халқро майдондаги очиқлик ва фаоллик республикамизнинг хоржий шериклари, хусусан, Қатар билан халқро ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун қандай янги имкониятлар очмоқда?

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда сунгги йилларда эришилган ютуқлар, жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишга амалга ошириш, конституциявий ислохотнинг муваффақиятли амалга оширилиши, бунёдкорлик жараёнлари ва мамлакатнинг хоржий сармояларга очиқлиги қабил таҳсинга лойиқдир.

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда сунгги йилларда эришилган ютуқлар, жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишга амалга ошириш, конституциявий ислохотнинг муваффақиятли амалга оширилиши, бунёдкорлик жараёнлари ва мамлакатнинг хоржий сармояларга очиқлиги қабил таҳсинга лойиқдир.

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда сунгги йилларда эришилган ютуқлар, жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишга амалга ошириш, конституциявий ислохотнинг муваффақиятли амалга оширилиши, бунёдкорлик жараёнлари ва мамлакатнинг хоржий сармояларга очиқлиги қабил таҳсинга лойиқдир.

“Дунё” АА

## БИЗ ВА ДУНЁ

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚАТАР КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Қатар Давлати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган. Ўзбекистон ва Қатар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги кўшма баённома 1997 йил 27 ноябрда имзоланган.

2010 йил 23-24 ноябрь кунлари Қатарда бўлиб ўтган олий даражадаги расмий ташири, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ўртасида 2022 йил 5 февралда Пекинда ўтказилган қишқ Олимпия уйинлари ва 2022 йил 13 октябрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг VI саммити очилиш маросими доирасидаги учрашув ва музокаралар сиёсий мулоқотни янада ривожлантиришга асос бўлди.

Бугунги кунга қадар икки томонлама ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси 12 та ҳужжатдан иборат.

Икки давлат ўртасидаги мулоқот юқори, эксперт ва бошқа даражаларда, халқро ташкилотлар, хусусан, БМТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доираларида изчил ривожланиб бормоқда.

— Сизнингча, халқларимиз диний эътиқоднинг муштараклиги, кўнча тарихи, бой маънавий-маданий мероси мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни фаоллаштириш ва кенгайтиришга қандай хизмат қилиши мумкин?

— Ҳа, Ўзбекистон бизнинг муҳим ва яқин ҳамкоримиз, мамлакатларимиз халқларини кўп асрлар давомида боғлаб келган тарихий-маданий алоқалар мавжуд бўлиб, улар бугун ўзаро манфаатли муносабатларимиз учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Икки давлатнинг ушбу соҳаларга эътибор қаратиши ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратди.

— Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Ҳазрати Олийларнинг Ўзбекистонга таширидан нималар кутяпсиз?

— Бошланган ташири икки давлат ўртасидаги муносабатларда олдинга ташланган қадамдир. Ташири давомида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари ва ўзаро муҳим масалалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда янги имкониятлар очилган масалалари муҳокама қилинади.

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда сунгги йилларда эришилган ютуқлар, жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишга амалга ошириш, конституциявий ислохотнинг муваффақиятли амалга оширилиши, бунёдкорлик жараёнлари ва мамлакатнинг хоржий сармояларга очиқлиги қабил таҳсинга лойиқдир.

жумладан, Парламентларо иттифоқнинг 140-сессияси, БМТнинг энг кам ривожланган мамлакатлар бўйича 5-конференцияси (НРС-5) ва бошқа йирик анжуманларда иштирок этиш учун бир неча бор Қатарга ташири бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, икки давлат халқро ташкилотлар доирасида бир-бирининг конструктив ташаббуслари ва номзодларини фаол қўллаб-қувватлаб келаётди. Жумладан, Қатар Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТнинг қатор резолюциялари, хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил декабрь), “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ўзаро боғлиқлиқни мустақамлаш тўғрисида”ги (2022 йил июль), “Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги (2022 йил декабрь), шунингдек, ЮНЕСКО Ихроия кенгашининг “Тошкент декларациясини амалга ошириш бўйича кейинги тадбирлар ва ёш болалар тарбияси ва таълимни ўзгартириш чораларини кўриш бўйича мажбуриятлар тўғрисида”ги (2023 йил май) ва бошқа резолюцияларга ҳаммуаллифлик қилди.

Қатар Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари нинг ҳам қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз ўз навбатида, Қатарнинг Афғонистон халқига фавқуллода гуманитар ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳаракатларини тўлиқ эътироз этади.

2018 йил март ойида Қатар ташқи ишлар вазирининг терроризмга қарши кураш ва мижорларга воситачилик қилиш бўйича махсус вакили Мутлаб бин Махид ал-Қаҳтаний Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқро конференцияда қатнашди.

2018 йил июнь, 2019 йил март, 2020 йил февраль ва 2021 йил апрель ойларида ташқи ишлар вазирининг бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масалаларини муҳокама қилиш учун Қатарда бўлди. Таширилар доирасида Қатар Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ушбу ташири давомида Ўзбекистон делегацияси Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад

Ол Соний томонидан қабул қилинди.

Мулоқотлар давомида қайд этилганидек, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик мамлакатлар учун мавжуд имкониятларга мос келмайди. Жумладан, 2023 йилнинг биринчи чораги якунларига қўра, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1,8 миллион долларни ташкил этди. 2022 йилда бу кўрсаткич қарийб 5 миллион долларга тенг бўлган.

Бироқ мамлакатимиз Қатарни Яқин Шарқдаги истиқболли иқтисодий ҳамкор деб билади. Ўзбекистон ҳам, Қатар ҳам бу борада ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятга эга ва жорий муносабатларни фаоллаштириш икки давлатнинг бугунги кун тартибидан ўрин олган.

Шу йилнинг май ойида пойтахтимизда ўтказилган Иккинчи Тошкент халқро инвестициявий форумида иштирок этиш учун Қатарнинг бир қатор вазирлик ва етакчи компаниялари раҳбарлари Ўзбекистонга келди. Форум давомида инвестиция, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов ва Қатар савдо ва саноат вазирининг ўринбосари Султон ал-Хотир ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижалари ҳам икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қизиқиш жуда юқори эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон — Қатар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни фаоллаштириш мақсадида томонлар икки давлатнинг тегишли идоралари раҳбарларидан иборат кўшма ишчи гуруҳ тузишга келишиб олдилар. Ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишлари сармоявий ва банк-моллия соҳалари, транспорт ва логистика, савдо, энергетика, шунингдек, туризм, жумладан, зиёрат туризмидир.

Жорий йилнинг иккинчи ярмида Доҳа шаҳрида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг 1-мажлиси, шунингдек, Ўзбекистон — Қатар Ишбилармонлар кенгашининг 1-йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган.

Эришилган келишувлардан келиб чиқиб, савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашиши маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади, деб айтиш мантиқан тўғри бўлади. Шубҳасиз, икки давлатнинг тарихи, маданияти ва диний муштараклиги, бой маънавий мероси маданиятларо

мулоқотни янада ривожлантириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида Қатарнинг “Ҳасим ва Ҳамад бин Ҳасим хайрия” жамғармаси “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармасига 200 минг доллар, Қатар хайрия жамғармаси эса Республика шашилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалига 200 минг доллар ажратди.

2021 йилнинг 1 мартидан Қатар фуқароларига Ўзбекистонга кириш учун 10 кунлик визасиз режим жорий этилиши, шунингдек, 2021 йил июнь ойида имзоланган мамлакатларимиз ўртасида Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматларо битим сайёхлик соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очмоқда. Ўзбекистонда Қатардан юртимиздаги тарихий обидаларни зиёрат қилиш истагида бўлган сайёхларни қабул қилиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Спорт соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2017 йилда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва Қатар футбол ассоциацияси ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланган.

Маданият ва санъат соҳасида алма-машинув йўлга қўйилмоқда. Масалан, Ўзбекистон “Хунарманда” уюшмаси ва “КАТАРА” жамғармаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2022 йил сентябрь-октябрь ойларида Қатар пойтахтида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Унинг доирасида Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри концертлари, халқ амалий санъати кўргазмаси ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ҳамда Қатар Миллий кутубхонаси ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Юқоридагиларни сарҳисоб қилар эканмиз, ишонч билан айтишимиз мумкинки, Самарқандда бўлиб ўтган икки томонлама муносабатлар тарихидаги биринчи Ўзбекистон — Қатар олий даражадаги саммити ҳамкорлиқнинг янги босқичини бошлаш, унинг кўп қиррали ва динамик тусга киришини таъминлаш, шунингдек, фаол, конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқот учун муҳим сиёсий қадам бўлади.

“Дунё” АА

# 2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI



МАЖЛИСДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ҲАМ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА КЕЛИБ ТУШГАН МУРОЖААТЛАР АСОСИДА 9 ТА МАҲАЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИНING 39 ВАКИЛИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛДИ.

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ 7 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, жорий йил 31 май куни Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳамда Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, 1 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишни сўраб муурожаат қилди ва номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этди.

Марказий сайлов комиссиясининг эксперт гуруҳлари жорий йил 31 май — 2 июнь кунлари юқорида қайд этилган тўртта сиёсий партия томонидан тақдим этилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари тўғри тўлдирилганини сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилган ҳолда текширди. Текшириш натижаларига кўра, тўртта сиёсий партия томонидан тўпланган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш учун етарли миқдорда ҳамда қонунчилик талабларига мос экани тўғрисида хулосага келинди.

Марказий сайлов комиссиясининг ишчи гуруҳи эксперт гуруҳлари томонидан тақдим этилган хулосаларни инобатга олган ҳолда ҳамда сиёсий партиялар тақдим этган ҳужжатлар қонунчилик талабига тўлиқ мос келиши, белгиланган тартибда ва муддатда муурожаат қилинганидан келиб чиқиб, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш юзасидан ўз хулосасини тақдим этган. Унга мувофиқ, мажлисда Ўзбекистон Халқ демократик



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

МАЖЛИСДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА ҲАМ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА КЕЛИБ ТУШГАН МУРОЖААТЛАР АСОСИДА 9 ТА МАҲАЛЛИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИНING 39 ВАКИЛИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛДИ.

партиясидан Улуғбек Илёсович Иноятовни, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёевни, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Робохон Анваровна Махмудовани ҳамда Ўзбекистон

Экологик партиясидан Абдушукур Худойкулович Ҳамзаевни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказиш масаласи муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Қарор билан Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти 2023 йил 7 июндан бошланиши қайд этилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг республика ва ҳудудий телерадиоканалларида бепул ажратиладиган эфир вақти, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” каби республика газеталарида ҳамда йиғирма тўрт номдаги маҳаллий газеталарда бепул ажратиладиган нашр майдони тасдиқланди.

Оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти даврида бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдони доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти

даврида чиқишлари учун зарур шарт-шароитлар яратди. Янгиликлар дастурларида ва бошқа ахборот материалларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тadbirkorларини ёритишда тенглик принципига риоя этиши лозим.

Мажлисда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган муурожаатлар асосида 9 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг 39 вакили аккредитациядан ўтказилди.

Шу кунги Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида МСКнинг ушбу мажлиси кун тартибидан ўрин олган масалалар бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Президент сайлови кампанияси, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга Марказий сайлов комиссияси раиси ва аъзолари томонидан жавоб қайтарилди.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



## ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ЕТИШТИРИШНИНГ

## муҳим тандош

## Экологик оқибатлар tupроқ унумдорлигига жиддий хавф солмоқда

**Шухрат БОБОМУРОДОВ,**  
Тупроқшунослик ва  
агрокимёвий тадқиқотлар  
институтининг директори,  
**Нодиржон**  
**АБДУРАҲМОНОВ,**  
институт директори  
ўринбосари

Сайёрамизда антропоген омиллар таъсирида юзага келаётган экологик бузилишлар, иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик ва саҳролашиш жараёнлари кучайиб бораётгани долзарб муаммолардан бири. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳаси бундан жиддий зарар кўриб, тупроқ унумдорлиги пасайишига олиб келаётгани инсоният олдига муҳим вазифалар қўймоқда.

Тупроқнинг нураган тоғ жинсларидан фарқи унинг унумдорлигидир. Ана шу унумдор юзада инсон учун зарур озик-овқат маҳсулотининг 95 фоизга яқини етиштирилади.

Сўнгги йилларда табиий ҳодисалар оқибатида тупроқ эрозияси, сифати ва унумдорлиги йўқотилиши кучайиб бормоқда. БМТ таҳлилчилари кўра, бугунги кунда сайёрамиздаги ер ресурсларининг 40 фоизга яқини таназзулга учраган. Жаҳонда озик-овқат хавфсизлиги кун тартибидан тушмай қолган ҳозирги даврда бу жиддий муаммадир. Биргина чўлланшиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик каби оқибатлар 100 дан ортиқ мамлакатда истиқомат қилаётган 1 миллиарддан зиёд аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига хавф соляпти.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг хосса ва хусусиятларини мақбуллаштириш, унумдорлигини чегараловчи омилларни аниқлаш, хусусан, тупроқ ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштиришга юртимизда давлат сисъати даражасида эътибор қаратилаётгани боиси шунда. Охириги йилларда бу борада ҳуқуқий асослар ҳам яратилиб, қўллаб-қувватлаш ва қарорлар қабул қилинди.

Давлат дастурида "Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди. Кечиктириб бўлмайдиган бу қонун лойиҳасини Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг олимлари Қишлоқ хўжалиги ва зирлиги мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқди ҳамда у Олий Мажлис Қонунчилик палатасида маъқулланди. Ҳозир қонун лойиҳаси Сенатда кўриб чиқилмоқда.

## Тадқиқотлар натижа беряптими?

Бир ҳовуч тупроқда етиштирилган тотли неъматларни истеъмол қилиш осон, албатта. Аммо улар пишиб етилгунига қадар бўлган қийинчилиги машаққатни ер билан тиллашган деҳқондан сураш керак. Чунки тупроқ табиатан "инжирқок" бўлади. Унинг унумдорлигини ошириш, қакшаб ётган



ерда экин ундириш осон эмас. Айниқса, йилдан-йилга тупроқ сифати ўзгариб, аксарият жойларда қурғоқчилик кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бунинг қийинчилиги янада ортимоқда.

Бундай шароитда соҳага илм-фан ва замонавий инновацияларни олиб кириш энг тўғри ечимдир. Буни юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сўнгги йилларда эришилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яъни олимларимиз энди кичик тадқиқотлардан тортиб, катта лойиҳаларга — барини замонавий қурилмалар, рақамли технологиялар асосида амалга ошираётгани ўз натижасини беряпти. Тупроқшунослик соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Охириги йиллардаги шундай тадқиқотларда тупроқ сифатини баҳолаш ишларига янгича ёндашилаётгани кўринади. Натижада тадқиқот ва таҳлиллар аниқлиги ошиб борапти. Бу муаммони тўғри таҳлил қилиш, самарали ечимлар қўллашга йўл очади. Урганишлар давомида тупроқ деградацияси билан боғлиқ қатор янги ҳолатлар ҳам аниқланмоқда.

Юртимизда турли даражада сув ва ирригация эрозиясига чалинган сугорилмайдиган майдонлар 630,3 минг гектар бўлиб, шундан 343,8 минг гектари қучсиз, 208,6 минг гектари урғача ва 78,1 минг гектари қучли ювилган тупроқдан иборат. Сугорилмайдиган ернинг қарийб 53,2 фоизи турли даражада шўрланган ва шундан 0,9 фоизи жуда қучли шўрланганлар тоифасига киради. Шунингдек, сугорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 7,6 фоизи турли даражада тошқоқли, 68,6 фоизда тупроқ профилининг устки қатламда 0,5-1 фоиз атрофида гумус мавжуд экани аниқланган.

Аммо муаммони аниқлашнинг ўзи камлик қилмайди, унга қарши ўз вақтида зарур чораларни қўллаш ҳам лозим. Шу боис,

тупроқ деградацияси билан боғлиқ ушбу ҳолатларни бартараф этиш ҳамда тупроқни муҳофаза қилиш ва деградациясининг олдини олиш тадбирларини тизимли амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2022 йил 10 июндаги "Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида ер деградацияси, хусусан, тупроқнинг таназзулга учраши, сифати ва унумдорлигини йўқотишига қарши курашиш бўйича ишлар янада фаоллашди.

Анджон, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг минтақавий бўлиналари ташкил этилди. Ҳозир мазкур бўлиналар томонидан турли ҳудудлардаги фермер хўжаликлари ва ердан фойдаланувчиларнинг сугорилмайдиган ерларида тупроқ тадқиқотлари олиб борилмоқда.

Ана шундай тадқиқотларнинг бири натижасида маҳаллий ресурслар асосида органик-минерал ўғит олиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу агротехнологияни қўллаш бўйича дала тажрибалари эса Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ҳамда Қорақалпоғистоннинг Хўжайли тумани фермер хўжаликлари далаларида амалга оширилди. Тадқиқот давомида экин тулларида органик ўғитга талабни қондириш ҳисобига ғўза ҳосилдорлиги 5-8 центнер, қўзги бугдой ҳосилдорлиги эса 12-15 центнер ошишига эришилди.

Пахта майдонларида тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини янада ошириш, сугорилишни янги технологияларга ўтиш, замонавий лабораториялар барпо этиш, фермерларни ўқитиш борасида ҳам ишлар кўпайиб кетди. Хусусан, 13 та туман пахта майдонларидаги тупроқ ҳолати жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Хар бир туман,

масив ва фермер хўжаликлариди 127 минг 268 гектар пахта майдони контурбай кесимда мониторинг қилинди. Шу асосда тупроқ ҳолати, балл бонитети, шўрланиши, механик таркиби, зичлашгани, сўғориш меъёрлари, тошқоқлиги, гипслашгани ва бошқа 15 дан ортиқ хосса-хусусияти тўғрисида маълумотлар жамланди. Тажриба тариқасида танлаб олинган мазкур туманлар пахта майдонлари тупроқнинг агрокимёвий хоссалари асосида ўғит қўллаш бўйича тавсияномалар ҳам тайёрланди.

Бугунга қадар олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг аксарияти амалий натижаларга асослангани билан аҳамиятликдир. Хусусан, утган йилнинг ўзида институт томонидан Сирдарё вилоятида 263 минг 740 гектар сугорилмайдиган ер майдонида тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишлари, 196 минг 886 гектарда агрокимёвий харитогаммалар тузиш ва ўғитлар қўллашнинг мақбул муддатлари ҳамда меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар яқунланди. Юртимиз ҳудудларидаги сугорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида шўрланган тупроқларни харитага тушириш ва тупроқ шўрланганлик картогаммаларини тузиш ишлари эса давом этмоқда.

Фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва томоққа ер эгаларига тезкор тупроқ хизматлари кўрсатиш мақсадида ҳудудларда "Тупроқ клиникаси" мобил лабораториялари ташкил этилгани ҳам муҳим ютуқларимиздан бири.

Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани тупроғида агрокимёвий хариталар асосида тупроқ ресурсларини комплекс мониторинг қилиш ва бошқариш тизимининг ахборот таъминоти, тупроқ деградациясини баҳолаш учун зарур индикаторлар тизими ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида танлаб олинган ер майдонларида эса тупроқнинг соғломлик даражасини баҳоловчи тупроқ экологик хариталари тузилди. Бу каби лойиҳалар юртимиз қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолатини таҳлил қилиб бориш ҳамда ўрганиш имконини оширмоқда.

## Тупроқнинг ўз "харитаси" бор

Албатта, бу лойиҳалар катта маблағ талаб этади. Йиллар давомида юртимизда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмагани, ердан илмий асосларсиз, ўз-бошимчалик билан фойдаланилгани ҳам лойиҳалар учун маблағ ажратилмаганига бориб тақалади. Бу эса, мамлакатимизнинг катта қисмидаги ер майдонлари, тупроқ-

нинг сифати бузилиши, унумдорлиги йўқолишига олиб келди. Энди уларни тиклаш, борини асраб қолган ҳолда унумдорлигини ошириш учун катта меҳнат, илм ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Бугунги кунда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг умумий қиймати 7,4 миллиард сўмлик 13 та амалий ва инновацион лойиҳа бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориляпти. Мазкур амалий ва инновацион лойиҳалар юртимиздаги сугорилмайдиган, лалми тупроқлар ва яиллов ерларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, қийин мелiorацияланадиган тупроқнинг хосса-хусусиятларини яхшилаш, глобал иқлим ўзгариши шароитида тупроқда кечаётган деградация жараёнларининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Бу борада янги технологиялар ишлаб чиқиш, тупроқшунослик соҳасини рақамлаштириш, сўнгий интеллект технологияларини жорий этиш, тупроқнинг экологик ҳолатини



яхшилашга йўналтирилган тадқиқотлар бажариляпти.

Экин далаларининг ўзида органик, макро ва микроэлементларни қўйитириш, ғўзани ўғитлашнинг глобал иқлим ўзгаришларига мос нисбатларини ишлаб чиқиш, органик деҳқончиликка экологик соф тупроқ шароити ҳосил қилиш, лалми-кўз майдонларда экини алмашлаб экиш тизимида тупроққа ишлов бермасдан экиш технологиясини ишлаб чиқиш кабилар шулар жумласидан.

Эскича қўрилма ва технологиялар бу лойиҳаларни амалга оширишга имкон

бермайди. Соҳани рақамлаштириш эса жараённи тезлаштиради. Шу боис, ҳозир шўрланган қишлоқ хўжалиги ерлари мелiorатив ҳолати маълумотларини қайта ишлашга мўлжалланган мобил илова, юртимиздаги ишлаган сугорилмайдиган тупроқнинг 3Д карталарини, сўнгий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда тупроқ ресурсларини баҳолаш ва мониторинг қилиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш устида ишланшлар олиб борилмоқда.

Хусусан, тупроқ ҳолати, унумдорлик кўрсаткичлари ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг ўзаро функционал боғлиқлиги асосида интеллект моделлар ишлаб чиқилди. Бунда сўнгий интеллект технологияларида катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш услубидан фойдаланилган.

Бухоро вилояти Бухоро туманида гео-ахборот тизими технологиялари ёрдамида тупроқ деградациясини баҳолаш ва хариталаш ишлари ҳам амалга оширилган. Лойиҳа юртимизнинг барча ҳудудларида давом эттирилиб, келгусида умумий ва ягона харита яратиш режалаштирилган.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги ерларининг тезкор маълумотлари ва уларни қайта ишлашга йўналтирилган "Шўрланган тупроқ" мобил иловасини яратиш бўйича ҳам тадқиқотлар яқунланмоқда. Шунингдек, институт олимлари мамлакатимизда илк бор тупроқни ҳалқор тупроқ кимёвий таҳлиллари стандарти асосида таҳлил қилиш технологиясини яратиш бўйича иш олиб борапти. Тупроқ экологик хариталарини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотлар ҳам жаҳон тажрибасига асосланган бўлиб, соҳада янгилик бўлиши кутуляпти.

Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларга асосланган ана шундай илмий тадқиқотларга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу барча соҳалардаги ривожланиш тенденциялари билан ҳам боғлиқ. Асосийси, хар бир тадқиқот муайян муаммо ечимига хизмат қилиб, янги лойиҳаларга йўл очиб бораверади. Тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш эса нафақат бугун, балки келажак авлод фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятликдир.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



**Гулрух НИЗМЕТОВА,**  
Камбағалликни  
қисқартириш ва бандлик  
вазирлиги  
Давлат меҳнат  
инспекцияси бошлиғи  
ўринбосари

Тўқимачилик саноати Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодий ривожини, балки жаҳон бозоридидаги ўрнини белгилаб берувчи асосий йўналишлардан бирига айланиб бормоқда. Узоқ йиллар давомида дунё бозорига фақат пахта хомашёси сотиб келган мамлакатимиз бугун пахтадан қайта ишлашнинг тўқимачилик завоитини яратди. "Made in Uzbekistan" бренди остидаги тайёр тўқимачилик маҳсулотлари қўллаб-қувватлашга кириб борапти. Айниқса, ўзбек пахтасига қўйилган таққининг 2022 йилда бекор қилиниши миллий тўқимачилик саноатимизда янги даврни бошлаб берди ва тармоққа жаҳоннинг машҳур брендлари катта қизиқиш билдирилмоқда.

Утган ҳафта пойтахтимизда бўлиб ўтган "UzTextile Expo Spring — 2023" тўқимачилик ҳафталигида бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Ҳафталик доирасида ўтказилган йирик форум ва тадбирларда 160 дан ортиқ хорижий компания вакиллари иштирок этиб, маҳсулотларини намойиш этиш баробарида

## ЎЗБЕКИСТОН "BETTER WORK" ХАЛҚАРО ДАСТУРИГА ҚЎШИЛДИ

## Бу миллий тўқимачилик саноатига нима беради?

миллий тўқимачилик бозоримиз билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Кенг мулоқот майдонида эришилган ҳамкорлик келишувлари, имзоланган йирик битимлар кўлами эса аввалги йиллардагидан анча юқори. Юртимиз ва хорижий маъсул таҳсилотлари ўртасида имзоланган 2023-2024 йилларда Барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорликдаги тадбирлар режаси, яъни "йўл харитаси" шулар жумласидан.

Тўқимачилик ҳафталиги яна бир йирик меморандум — Ўзбекистоннинг расман "Better Work" дастурига қўшилишига доир ҳужжат имзоланишига ҳам йўл очди. Келишувлар асосида мазкур дастурни юртимизда таъбиқ этиш бўйича лойиҳага старт берилди. Эндиликда Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро молия корпорациясининг тикув-тўқимачилик саноатида муносиб меҳнат стандартлари ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган "Better Work" кўшама дастурининг расмий аъзоси сифатида жаҳон брендлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятига эга бўлмоқда.

Ушбу дастур дунё тўқимачилик саноатида ўз ўрни ва нуфузига эга. У давлатни машҳур бренд ва компаниялар учун юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларининг барқарор ва масъулиятли ишлаб чиқарувчи сифатида қабул қилиниши кафолати ҳисобланади. Биргина мисол, жорий йил 25 мартда машҳур "Disney" бренди Ўзбекистонини ҳам ўз ичига олган маҳсулот етказиб берувчи мамлакатлар рўйхатини эълон қилди. Аммо бунда мамлакатда "Better Work"нинг фаолият юритиши асосий талаб сифатида кўрсатилган.



Хўш, халқаро дастур унга аъзо мамлакатлар олдига қандай талаблар қўяди? Мазкур талаблар бир қанча бўлиб, аввало, шў соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш лойиҳанинг бош мезонидир.

Бу унинг номидан ҳам маълум. Яъни "Better Work" инглизчадан таржима қилинганда "муносиб меҳнат" маъносини англатади. Тикув-тўқимачилик корхоналаридаги меҳнат шартларини яхшилаш ҳамда ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, корхоналарнинг рақобатдорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишга қўмаклашиш кабилар дастурнинг асосий мақсад-вазифалари қаторидан жой олган.

Шу мақсадда дастур доирасида корхоналар, айниқса, аёллар учун меҳнат шартларини яхшилаш, ходим ва бошқарув тизими ўртасида мулоқотни ўрнаттиш, самарали бошқарув тизимлари, кадрлар малакасини ошириш, асосий миллий меҳнат стандартлари ва Халқаро меҳнат ташкилоти стандартлари ривож қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Айни пайтда халқаро лойиҳа аъзолари қаторига Бангладеш, Вьетнам, Гаити, Миср, Индонезия каби давлатлар кирди. Дастурнинг умумий қамрови 2,4 миллиондан ортиқ киши ишлайдиган 1,7 минг фабрикани ўз ичига олади. Ушбу ташаббуснинг ҳамкорлари эса тўқимачилик

## BetterWork

трикотаж ва тикувчилик соҳасидаги йирик ва халқаро миқёсда тан олинган 40 дан ортиқ компаниядан иборат. Бунга мисол тариқасида H&M, C&A, Levi's, GAP каби йирик брендлар номини келтириш мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг "Better Work" дастурига қўшилишнинг ўз талаблари бор. Талабдор давлат 10 та мезон асосида баҳолашиб, сўнг аъзоликка қабул қилиш бўйича ҳулоса берилади. Мезонлар қатъий ва халқаро аҳамиятга эга бўлиб, улар орасида соҳада меҳнат стандартларига мувофиқлик билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, мамлакатдаги ижтимоий ва сўғиш барқарорлик, халқаро харидорларнинг ушбу етказиб берувчи мамлакатга бўлган қизиқиши, дастурнинг молиявий ва институционал барқарорлиги учун имкониятлар мавжудлиги, саноат имкониятлари каби жиҳатлар жиддий эътиборга олинади.

Ўзбекистон дастурига қўшилиш учун қатор мажбуриятлар, хусусан, тоvon пули тўлаш, шартномалар тузиш шартлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларнинг соғлиги ва иш вақти, касба уюшмалари фаолияти эркинлигини таъминлашни ўз зиммасига олади.

Шу ўринда ушбу дастурга аъзолик бизга нима беради, деган савол туғулади. Юқорида таъкидланганидек, аввало, тўқимачилик

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.





ТААССУРОТ



# КУЧЛИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

## Финляндия тажрибасида қандай намоён бўлмоқда?



**Одил ҚўЙСИНОВ,**  
Халқаро Нордик университетининг проректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Бошланғич 1-бетда

Юртимиз таълим муассасалари масъуллари олдида турган шу каби муҳим саволларга Финляндия таълим тизими ва унинг фаолият тамойилларини бевосита ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнида жавоблар топдик. Жорий йил 24 апрелдан 7 майга қадар юртимиздаги 10 та педагогик олий таълим муассасасининг 25 нафар раҳбар ходими ва профессор-ўқитувчилари иштирокидаги делегация Финляндияда бўлди. Шу аснода таълим тизимини атрофлича ўргандик. Зеро, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг хорижий давлатларда малакасини ошириш таълим-тарбия жараёнига янги ёндашуви ва инновацияларни татбиқ этишида муҳим аҳамият касб этади.

Финляндия давлати муваффақиятининг асосий сабаблари ўқитувчилар салоҳияти, таълим сиёсати ва фин маданияти уйғунлигига боғлиқ. Сафар чоғида марказий ва маҳаллий бошқарув мувозанати, ўқув жараёнини самарали ташкил этишга катта масъулият билан ёндашуви эътиборимизни тортиди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро Нордик университети, Финляндиянинг Хельсинки, Карелия, Юваскула ва JAMK амалий фанлар ҳамда педагогика институтлари ҳамкорлигида малака ошириш курси ташкил этилди.

### Юваскула — Финляндия таълими бешиги

Малака ошириш дарслари Финляндиянинг турли шаҳарларидаги таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Юваскула университети қошидаги Илмий изланиш маркази профессори Жухани Раутопуру томонидан халқаро баҳолаш

қаратилган. Илмий изланиш бутун таълим тизими (мактабгача таълимдан то олий таълимгача, академик ва касб-ҳунар таълими ва касб танлашгача даврлар)ни ўз ичига олади. 1970-йилларда Финляндия таълимида туб ислохотлар олиб борилиб, назорат тизимидан либерал тизимга ўтилган. Финляндия таълим тизимининг асосий тушунчалари — тенглик, компетенция, мутахассисга ишонч, махсус таълим.

Финляндия таълимининг кучли жиҳати мактаб тизими ҳисобланади. Мактабларни текшириш ва стандартлашган тестлар мавжуд эмас. Мактаблар ўзаро рақобатга киришмайди. Яъни ишонч маданияти туфайли мактаблар текширув таширларидан холи. Финляндияда энг яхши мактаб уйга яқин мактабдир. Бу мамлакатдаги барча мактабларнинг деярли бир хил сифатда ташкил қилингани ва ўқитишнинг ҳамма жойда юқори савияда ташкил этилишидан дарак беради.

Билмига асосланган жамият ҳақидаги қарашларни қўллаб-қувватлаш, таълим тенглигини таъминлаш асосий ўринда. Тенглик, ишонч, ўқитувчилар салоҳияти, ихтиёрлик, индивидуаллик, мустақиллик ҳамда амалийлик каби асосий тамойиллар, таълим олувчиларнинг ҳар қандай фикри инobatта олинishi ва қўллаб-қувватланиши Ўзбекистон таълим тизимига татбиқ этиш мумкин бўлган жиҳатлардир.

Финляндияда педагогик нуфузли касб бўлгани сабаб профессор-ўқитувчиларнинг таълими ва малака оширишига катта эътибор қаратилган. Мактабгача, мактаб ва олий таълимдаги ислохотлар асосчиси ҳам ўқитувчилар ҳисобланади. Улар мавжуд Миллий дастурни бойитиш, қўшимчалар киритиш ёки тубдан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Финляндия таълим тизимига миллий дастур кўрсатма сифатида берилади. Мазмун-моҳиятини бойитиш, ўзгартиришлар киритиш, мавзулаштириш профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Дунё



илмий изланиш олиб бориш учун барча шарт-шароит мавжуд: электрон кутубхона, компьютерда ишлаш заллари, ошхона. Кутубхона қошида илмий ҳамда таълимий хизматлар маркази фаолият юритади. Ушбу марказлар илмий изланувчиларга хизмат кўрсатади, хусусан, мақолаларини чоп қилиш билан боғлиқ техник хизматларни тақдир қилади.

Кутубхона очиклик сиёсатини илгари суради ва университетда барча илмий ишлар платформага жойлаштирилган ҳамда ундан фойдаланиш барча учун очикдир. Кутубхона фойдаланувчиси дастлаб 12 соатлик тренингда иштирок этиши лозим. Тренингда кутубхонага аъзо бўлиш, ишлаш, саволнома ва йўриқномалар тузиш ўргатилади.

Марказда мақолаларни наشريётларда чоп этиш учун махсус штат бирлиги ҳам мавжуд. Факультетларнинг нашр режасини бажариш ҳолати

чиқиб, ўзига керакли ходимни танлайди ва суҳбатга тақдир этади. Ишга олинган ўқитувчи тўлиқ мустақил равишда ишчи дастур устида бош қотиради ва материалларни ўзи танлаш ҳуқуқига эга. Эътиборлиси шуки, педагоглар ҳамкорликда ишлаб, муҳокама якунида энг яхши натижага эришади. Мактабда ҳар 125 нафар ўқувчи алоҳида бўлинмаларга ажратилган, моддий-техник база ташкил қилинган ҳолда ўқитилади. Сифатли таълим олиш учун зарур барча шароит яратилган. Ўқув ва махсус хоналар замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Масалан, мусика хонасида турли чоғлар мавжуд. Технология хоналари жами 8 та устaxonадан иборат алоҳида қисмда жойлашган. Устaxonалар сополга, ёғочга ва металлга ишлов бериш, саватчилик, тикувчилик ва ошпазлик, робототехника ва қурилиш-қонструкциялаш бўйича керакли жиҳоз ва хомашё билан таъминланган. Ўқувчилар бирикитрилган устalar ёрдамида жуда чиройли буюмларни тайёрлаш билан машғул.

### Тадбиркорликка ихтисослаштирилган мактаб

Мактаб битирувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларда тадбиркорликка қизиқиш уйғотиш мақсадида Муураме пилот мактаби яратилган бўлиб, унинг асосчилари — Юваскула шаҳрининг тадбиркорлари. Бу ерда ишлаб чиқариш билан мактаб орасида ҳамкорлик мавжуд. Мактаб битирувчилари қизиқарли лойиҳалар ва тадбиркорлик ташаббуслари устида ишлашади. Мактабнинг битирувчиси билан суҳбатда бўлди. Ўқувчи фикр-мулоҳазаларини биз билан ўртоқлашди. Унга бу интеграция маъмул келгани ва келгусида қайси университетга ўқиши, қайси компанияда ишлашини маълум қилди.

Тадбиркорлик мактабида ҳамма билмилар бевосита амалиётда ўрганилиши ва масъулиятли ўқувчилар тарбияланишининг гувоҳи бўлди. Ўқувчилар амалга ошираётган лойиҳалар маҳаллий компания ёки тадбиркорлар томонидан молиялаштириб борилади.

### Саводхонлик бўйича энг яхши ўқитувчилар

Юваскула университети факультетларидан бири айнан педагогларни тайёрлашга ихтисослаштирилган. Ишлар “Донлик ва барқарорлик ҳамма учун” шиори остида ташкил этилади. Мактабгача таълим ташкилот (боғча)ларида ишлаш учун бакалавр

даражаси етарли. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш учун талабгор Педагогика университетининг магистратура бўлимининг ҳам тугатган бўлиши шарт. Фан ўқитувчиси бўлиб ишлаш учун эса бир йил (60 кредит) қўшимча таълим олиш керак. Педагоглардан нафақат йўналиши бўйича мутахассис бўлиш, балки юқори малакали ўқитувчи бўлиб етишиш ҳам талаб этилади.

Масала шундаки, ўқитувчилар нафақат жорий йилда, балки 40 йилдан кейин ҳам ўз билим ва кўникмаларини йўқотмаган, доимий ўз устида ишлайдиган педагог кадрларни тайёрлаш ва зифасини олдиға кўйган. Бу факультет жамоасидан бўлажак ўқитувчи қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишини аввалдан билиш, уларни амалда қўлашни билладиган кадрлар етиштиришни талаб этади. Шунинг учун улар бу соҳада доимий равишда изланиш олиб боради ва ишчи дастурларини тез-тез такомиллаштиришади. Юваскула университети жамоасининг ишлаш маданияти очиклик, ишонч, сифат, интеграция ва ҳақгўйликка асосланган. Университетда 3 та қондага амал қилинади: илмий изланиш, сифатли таълим, жамият таъсири.

Тадкимот жараёнида факультет стратегияси билан ҳам танишдик. Эътиборлиси, стратегия ва ишчи дастури миллий дастурга асосланиб тузилган. Финляндияда таълим даражаси юқорилигининг сабаби абириентларни педагогликка қабул қилиш жараёнининг ўзида бир неча босқичли жиддий саралаш ўтказилади. Масалан, 2022 йили 1750 нафар абитуриентдан 89 нафаригина қабул қилинган. Педагогик таълим йўналишларига умумий тест натижаларига кўра, юқори балл олганлар тўғридан-тўғри суҳбатга кирди ёки кам балл олганлардан махсус имтиҳондан ўтиш талаб қилинади. Суҳбат жараёнида 5 босқичли қисқа савол-жавоблар ташкил этилади. Ўқитувчиликка қабул қилишда номзоднинг шахсий хусусиятлари, қизиқишларига муҳим омили сифатида қаралади. Талабгор магистратурига тугатган, ундан педагог бўлиш ҳуқуқини олиб ташлаб бўлмайдиган. Шунинг учун қабул жараёни мукамал ёндашуви билан амалга оширилади. Ўқитувчи иш жараёнида кўп ҳаттолик, қондабузарликка йўл қўйса, магистрик дипломи бўлган тақдирда ҳам педагоглик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Финляндияда қабул қилинган миллий дастур бу шунчаки кўрсатма бўлиб, расмий мажбурият юкламайди. Ҳар бир ўқитувчи қайси методлардан фойдаланишини ўзи

танлайди. Ўқитувчилар малакасини ошириш мажбурий бўлиб, бир йилда 3 кунни ташкил этади.

Бу мамлакатда таълим турлари бўйича ўқитувчиларнинг бирга ишлаши натижасида ўқитиш турлариаро узвийлик таъминланган. Бир таълим туридан кейингисига ўтишда ўқитувчилар ҳар бир бола ҳақида алоҳида маълумотлар алмашади. Айнан бола туғилганда бошлаб мониторинг тизими мавжудлиги сабаб ўғил-қизларнинг академик ва ижтимоий ҳолати мунтазам ўрганилади ҳамда нуқсонлари бўлса, эрта аниқлаш тизими ишга тушади.

### Валтери — таълим ва консалтинг маркази

Валтери Финляндия миллий таълим агентлиги қошида фаолият юритувчи миллий таълим ва консалтинг марказидир. Валтери мамлакат бўйлаб болалар ва ёшларнинг ўқиши ҳамда мактабда таҳсил олиши учун ҳар томонлама профессионал ёрдам беради. Ушбу марказ фаолияти ақлий ҳамда жисмоний нуқсонли бор, индивидуал кўмакка муҳтож ҳар бир ёшнинг, айрим ҳолларда бутун меҳнат жамоаси, туман ёки вилоят ҳокимликларининг эҳтиёжига қаратилган.

Малака ошириш курси давомида мазкур марказнинг ногиронлиги бўлган болалар ва ёшларга ўз маҳалласидаги мактабда таълим олиш имконини беришга қаратилган фаолияти билан яқиндан танишдик. Марказ ходимлари нуқсонли бўлган, кўмакка эҳтиёжманд болаларни эртарок аниқлаш ва уларга турли соҳа вакиллари билан биргаликда ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Финляндиянинг турли ҳудудда 5 та Валтери мактаби фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 3 та Валтери таълим ва консалтинг (маслаҳатлашув) маркази ҳам мавжуд.

### Амалий фанларга ихтисослашган олийгоҳ

Стажировканинг иккинчи ҳафтасида Йоэнсу шаҳрида жойлашган Карелия амалий фанлар университетида бўлди. Университет 1992 йилда фаолият бошлаган бўлиб, таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёни тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиётнинг касбга талабини эътиборга олган ҳолда ташкил этилади. Асосан, бугун иқтисодиётга зарур бўлган касблар бўйича халқаро бизнес, биотехнология, индустриал менежмент, информация технология, ҳамширалик, ўрмончилик ва ўрмончи бошқариш, физиотерапия, герантология каби мутахассислар тайёрланиши ҳақида маълумот олинди. Муассасада таълим жараёни учун махсус электрон платформа яратилган бўлиб, ундан талаба ва ўқитувчилар ўзига керакли маълумотлар, дарс жадаллари, танлов фанлари ҳамда дарсга қатнашиш вақти каби маълумотларни олиши мумкин.

Университетда кадрлар тайёрлаш жараёнини яхшилаш учун 500 дан ортқ корхона билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, шартнома асосида талабалар корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини олиб бориши, малакавий амалиёт ўташи, амалиётчи педагоглар томонидан олиб бориладиган дарсларда иштирок этиши мумкин. Бу талабаларга ишлаб чиқаришга осон мослашиб кетиш имконини беради.

Ҳамширалик иши фанидан амалий машғулот хонасида барча шароитлар, жумладан, муляжлар, турли физиологик кўрсаткичларни аниқлайдиган электрон ускуналар, мониторлар ҳамда шифохона тажриба палаталари макети ўрнатилган бўлиб, бунда бўлажак ҳамширалар барча жараёни моделлаштирилган ҳаётий жараёнларга яқин ҳолатда ўрганиб бориш имконига эга бўлади. Сафар давомида Карелия амалий фанлар университети билан юртимиз ОТМлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Хельсинки шаҳрида Финляндия таълим вазирлиги маъсуллари билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот давомида мамлакатимиз ва Финляндия ўртасида таълимни ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришилди.

Малака ошириш жараёнида Финляндиянинг таълим сифатини баҳолаш бўйича ўтказилладиган халқаро тадқиқотлардаги муваффақияти сирлари билан танишдик. Фин ўқитувчиларининг PISA тадқиқотидаги барча йўналишларда саводхонлик ва таълим тенглиги кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижага эришиши сабаблари борасида ҳам хулосалар олдик. Таълим делегацияси аъзолари энг қисқа ўқув ва шунга қарамай энг юқори кўрсаткичларга эришадиган Финляндия таълим тизими афзаллиқларини ўз тажрибасида қўллаш-га киришди.

**“ФИНЛЯНДИЯ ДАВЛАТИ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАР САЛОҲИЯТИ, ТАЪЛИМ СИЁСАТИ ВА ФИН МАДАНИЯТИ УЙҒУНЛИГИГА БОҒЛИҚ, САФАР ЧОҒИДА МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ МУВОЗАНАТИ, ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШУВ ЭЪТИБОРИМИЗНИ ТОРТИДИ.**

тизими (PISA, IAAC, TALIC, KAPPAS, TIMSS, PIRLS, ICCS, ICILLS кабилар) хусусида мазмунли маърузалар қилинди. Таълим тизимидаги ютуқлар, натижалар, компетенциялар, баҳолаш мезонлари тўғрисида қизиқарли маълумотлар билан танишдик. Профессорнинг айнан Ўзбекистондаги халқаро баҳолаш бўйича жараёнлардан хабардорлиги ҳамда қийсий таҳлиллари эътиборимизни тортиди.

Ушбу институтнинг мақсади баҳолаш, фин таълим тизими ҳамда мактаб маданиятини ривожлантиришга

мамлакатлари университетлари рейтингининг 500 талигига кирган Юваскула университетида педагог кадрлар тайёрланади ва малакаси оширилади. Ишчи ва фан дастурлари мазкур университет профессор-ўқитувчилари томонидан мустақил тузилади. Профессор-ўқитувчилар мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Янги йўналиш ёки факультет очиш учун Таълим вазирлигига мурожаат қилинади.


Юваскула университети кутубхонасида 70 нафар ходим фаолият кўрсатади. Эътиборлиси, кутубхонанинг ўзида

назорати ҳам ушбу ходим зиммасида. Кутубхона ходимлари томонидан изланишлар олиб борилиб, сунъий интеллект, виртуал олам каби янги фанларни дастурга киритиш режалаштирилган.

### Онлайн платформа орқали танлов

Сафар давомида “Макеланмаен Коулу” бошланғич таълим мактаби тажрибаси билан танишдик. Муассасада ҳар бир болага алоҳида эътибор берилаётгани, айниқса, махсус таълимга муҳтож болаларнинг барчага қўшиб ўқитилиши, яъни инклюзив таълим уларнинг келажақда жамиятда ўз ўринларини топиб кетишига замин яратади. Мактабда ўқитувчини ишга қабул қилиш жараёни эътиборимизни тортиди. Ўқитувчиликка номзодлар онлайн платформа орқали ҳужжат топширади. Мактаб маъмурияти уларни кўриб





# Жадиқона

## 27 июнь - Матбуот ва о.м.наввий ахборот воситалари ходимлари кун

# РУҲИЯТЛИ МИЛЛИЙ МАТБУОТ

Сўз қолип, фикр унинг ичига қўйилган  
ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан  
пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос  
бўлиб ётсин!

Абдулла ҚОДИРИЙ

## ОДАМЛАР ОНГУ ШУУРИНИНГ ҚУЁШИ, ВИЖДОН ОВОЗИ БЎЛИШНИ ОРЗУЛАГАН ЭДИ



**Баҳодир КАРИМ,  
филология фанлари  
доктори, профессор**

Ўз замонида вақтли матбуот инсоният учун ойна вази фасини ўтади. Хар ким унда ўзини, хар миллат кифасини, замона эса суратини кўрди. Газета ва журналлар суратдан сийратга юз бурди, ижод аҳлининг қалб салолари вақтли матбуотда вақти-вақти билан жанрлаб турди. Ўзбек матбуоти Туркистон тарихидаги жадидчилик ҳаракати билан жуда табиий боғланади. Аслида, жадидчилик анча чуқур, мураккаб, зиддиятли, айни дамда, янгиликларга, эзгу орзу-ниятларга, амалий фаолиятларга тўла бир ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий ҳаракатдир.



матбуот нашрларида ишлар экан, янги ҳуқуматнинг ваъдаларига гоҳ ишонди ва баъзан шубҳага бориши. Ички бир миллий тўғу зиёлилар кўнглини ҳаммаша безовта этди. "Қутургон мустамлакачилар" эрқарварларнинг бор умидларини чилпарчин қилди, "Бузулган ўлка" ҳолига қараб фарёд қилишди: "Ўзал Туркистон, сенга не бўлди? Саҳар вақтида гулларнинг сўлди..." Мухит гирдобининг зиддиятлари вақтли матбуотдаги бир нафаслик эркинлик палласида шу зайлда ўз аксини топди. Кейин исқанжага олинди. Бераҳм золимларнинг қонли панжалари остида зулм чекаётган ўлкага қарата эрқарвар шoir Чўлпон бир шерьида "Нега сенинг қалин тошинг "кет" демайдир уларга?", "Нега тагин танларингда камчиларнинг кулиши?", дея суроқли хитоблар қилади. "Қўзғалиш" (1922 й.) шерьида яна шундай деди:

*"Эй! Сен мени ҳақир кўрган,  
тубан деган афанди!  
Эй! Устимда бир умра хўжа  
бўлмоқ истасан,  
Эй! Бўйнимга кишан солиб,  
халокатга судраган,  
Кўзларинени заҳарлатиб  
ўйнатмагил, бас энди!"*

"Кеча ва кундуз" романида ботиний шуур Мирқўб образига кўчди. Чўлпон кейинчалик айнан шу, нисбатан сўз эркинлиги мухитида айтган жадидона кайфиятли, ўтти хитоблари учун тафаккур қурбонлари қатлгоҳида жонини берди. Айрим моддий нарсалар мамлакатлар чегараларини ўзгартириши мумкин. Бироқ маънавият, инсон тафаккури масаласида бундай чегаралар аралашган, уйғунлашган, иккиланган, шаклланиш ёки эскича тарзда қолишга мойил ва яна шу каби бир қанча сифатларга эга бўлиши мумкин. Жумладан, жадид зиёлиларнинг матбуотдаги фаолияти ҳам манзарига уйкаш келади.

XX асрнинг 20-йиллари охирига бориб, матбуотда чўлпонизм баҳслари бошланди, Чўлпонни танқид ва таҳрир қилишлар, анжуманлар мажлисларидан ҳайдаб чиқариш жараёнлари авд олди. Чўлпон дарҳол тўзалиб, янги жамиятга мослашиб кета олмаслигини, бу жараён секин-аста бўлишини эътироф этди. Шoir ҳақида "Қизил Ўзбекистон"да "Ақли жинни" деган мақола босилди. Айнан эркин матбуотда нисбатан эркинлаб ва эрқалаб ёзган "Ийғинди гаплар" хангомаси учун Жўлқун бўй маънан мажруҳ қилинди: 1926 йил уч ой қамқода ўтирди. Зотан, Абдулла Қодирининг тушунчалари, тасавурулари жадидона руҳиятли "Таржимон", "Ўлфат", "Вақт"лар ўқиш билан шаклланган, ўша йилларда, унинг кўнглида "Садоий Туркистон", "Самарқанд", "Ойна"ларга "гап ёзиб юриш фикри" уйғонган эди. Жўлқунбой қаламинини сатира ва юмор йўлида бошлаб "Қизил байроқ", "Туркистон" газеталарида қайраб олади: пайдарпай ҳажвиялари, хангомалари, фельетонлари босилди. Кейин ҳажвий журналнинг биринчи сониди: "Бу "Муштум" — зўрлик муштуми эмас, ҳақлик муштумидир; бу "Муштум" — золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидир", деб ёзди. Матбуотда бетўхот босилган танқидий руҳдаги асарлари учун "фельетонлар қироли" номини олди.

"Матбуот кун" мақоласида юзига "Правда" пардасини тутишга мажбур бўлди. "Правда" газетасини — "гала бўрилар ичиде ёлғуз арслон эди", деб таърифлади; "ҳақиқат арслони" дея сифатлади. Газетанинг ҳақиқатни айтиш борасидаги жасоратига таҳсин айтди. Ўзи ишлаб турган "Муштум" журналинг қўйдиганча тавсифлади: "Журналимиз ҳам шу ҳақиқат оповининг учқунидир. Шунинг учқуним, биз тегиб ўткан қитқилқил ерлар эгасини қўчқитмай, жонларини ачитмай қўймайдир. Чунки биз ҳақиқат ўтининг учқунимиз, биз бутун руҳин, борлиқ маънони шу арслон бободан оламиз. Биз тескарликнинг, капиталнинг, эгрликнинг душманидиримиз. Негаки, бобомиз шундай эди". "Муштум" шундай оёққа турди.

Ушбу материални лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида ўқиш учун мазкур QR-кодни сканер қилинг.


қардошларнинг газета ва журналларини ёдга олади, уларни ўқиб бораётганини айтади.

Туркистон зиёлилари "Таржимон"дан жуда мамнун бўладилар. Дейлик, шу мамнуниятни тошкентлик шoir Каримбек Камий "Муътабар "Таржимон" ва "Исмоилбек Гаспринский жаноблари ҳақиқинда" деган шерьида изҳор этди. Унда газетанинг барчага манзуру мақул экани, ундан ўқувчи "ҳилму одобу машоу илму фан" ўрганиши мумкинлигини таъкидлаб:

*"Ҳар хуррўфи гул қаби,  
хар нуқтаси гунча мисол,  
Хуш тамошо истаянларга гулистон  
"Таржимон",*

бўлган бир ҳол-да бордир: бу Тошқанда чиққан "Тараққий" ва "Хуршид" дўстларимизнинг таққиланши. Ўрта Осиё учун расмий бўлган "Туркистон газети" етарли эмас. Ўз гоъларга, маслақлари тарғиби учун нақадар фойдали эканини чуқур аналган жадидлар газетачилик жабҳасида саъй-ҳаракатдан тўхтамади. "Тужжор", "Осиё", "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Тирик сўз" каби газеталар ёнида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Ойна" журнали пайдо бўлди. 1913-1915 йилларда олтимиш сажки сони босилди.

Зиё Саид журналнинг мақсади ислом миллатининг саодати ва ислоҳи, мусулмонларнинг маданияти ва замонавий фанлардан фойдаланишлари йўлида хизмат қилишини ёзар экан,



**Дарвоқе,  
яхши биласизки,  
"Правда"нинг таржимаси — "Ҳақиқат" дир. 1922 йили жадидлар "Ҳақиқат" деган журнал ҳам чиқаришди. "Динсиз жамият, жамиятсиз дин йўқдир..." — уларнинг шиори эди. Чўлпоннинг "Кишан" шерьи шу журналда босилди. "Ҳақиқат" ҳам иккита сондан кейин давр довулида эгилди — нашрдан тўхтади.**

деб ёзди. И.Гаспринский ва "Таржимон"нинг тўрт тарафга сочган фикрлари, илғор қарашлари, жадидона руҳият билан тўйинган гоъларга барчаннинг юрагидан бирдек ўрин олди. Улкан жадидшунос олим, профессор Беғали Қосимов уринли таъкидлаганидек, "Уни Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербурдан Бомбейгача билар эдилар"; Гаспринскийга эрағида ва "Таржимон"ини эъзолар эдилар. Туркистонлик жадидлар "Таржимон"дан бир неча йил тинчсиз сабоқ олди. Сўнара, яъни 1906 йили уларнинг биринчи "Тараққий" газетасини чиқаришди. Туркистондаги бу янгиликни ҳам биринчи бўлиб "Таржимон" таърифлади. "Туркистоннинг бундай тараққийпарвар бир газетаса кўндан бери эҳтиёжи бор эди", деб ёзди.

Бироқ "жадидларнинг энг суюкли ва тўнғич газетаси" — "Тараққий"нинг умри қисқа бўлди. Йигирма сони чиққандан кейин чор ҳуқумати томонидан ёпиб қўйилди ва "муҳаррири қамқоққа олинди". Шундан кейин Мунаввар Қорининг "Хуршид" (1906 йил сентябрь), Абдулла Авлонийнинг "Шухрат" (1907 йил декабрь) газеталари майдонга чиқди. Бироқ бу газеталар фаолияти ҳам узоққа чўзилмайди. "Таржимон" (1907 йил, 14-сон) бу хусусда ҳам ёзди: "Матбуотимизда таассуф

Бехбудийнинг "таваҳхуди лисония" (туркий тилларни бирлаштириш) тарафдори эканига уру беради. Бу гоънинг илдири ҳам "Таржимон"га бориб тақалади, албатта. "Ойна" журнали ўз вақтида жуда юксак бир обрўга эга бўлди, хар бир ўқувчининг дилдошига айланди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Ойна" журнали худди "Таржимон"дек улкан ва оламшумул бир миссияни адо қилди: маърифат тарқатди, одамларни фикр тарбиясига ўргатди; янги пайдо бўлган матбуот нашрларини тарғиб-ташвиқ қилди. "Садои Туркистон" ва "Садои Фарғона" газеталарини "Туркистоннинг эгизак фарзандлари" деб атаар экан, газеталарга ҳам бор. Уларнинг ўқиш ва уларга обуна бўлишни тавсия этади: "Миллатга иона ва олиб ўқумокларини ожизона тавсия этаримиз, чунки матбуот чироғ ва ниҳолдек бўлуб, анга ёғ ва сув бериб тарбият қилмагунча, маъзолоҳқ, сўнуб қурумоғи табиийдур".

Ўзбекистон матбуоти тарихида жадид зиёлилари нашр қилган газета ва журналлар сон-саногини кўп. Бир марта чиқиб тўхтаганлари ҳам бор. Уларнинг баъзилари ўз йўл-йўригига кўра, жадидий фарқланади ҳам. Гарчанд ўзаро қарама-қарши кайфиятда баҳслашадиганлари бўлса ҳам, улар олдида қўйган мақсадлари ниҳоятда улғу, ниятлари эзгу, қарашлар аниқ ва тиниқ